

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН

2022
1/1

Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинава Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Абдуллаев Э. Темурийлар даврида амир, бек унвонлари масаласининг илмий адабиёт ва хориж манбаларида ёритилиши.....	4
Зиёев Ш. Марказий осий давлатлари – европа иттифоки сиёсий алоқалари тарихшунослиги.....	7
Инсенов А. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожланишида хорижий давлатлар тажрибаси ва амалиёти.....	10
Қудратов Д. Ўрта асрлар урбанизация жараёнларининг таҳлиллари (умумийлик ва ўзига хослик).....	14
Рашидов О. Ўзбек зиёлилари ижодида миллий ва пролетариат мафкураси ўртасида кураш.....	18
Турсунов Р. XIX асрнинг 2 ярми - XX аср бошида туркистон ўлкасидаги экологик ҳолат ва сув ресурслари таснифи.....	22


Фалсафа

Alimboyeva R. Mustaqillikning dastlabki yillarida o'zbekistonda jismoniy tarbiya va sport: xalq ta'limi tizimida.....	27
Alimova K. Techniques of developing lexical skills and their implementation.....	31
Аманов Ф. Ёшлар ижтимоийлашувида маънавий – ахлоқий тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари.....	34
Атаҳўжаев В. Миллий кадрлар тизимида комил инсон масалалари (ойта маънавияти мисолида).....	37
Атоев Ф. Talabalariga axborot texnologiyalari fanini o'qitishda elektron ta'lim resurslari o'rni.....	41
Akhmadjonova K. Communication strategies of children in situations introduction of new vocabulary in a foreign language.....	44
Bo'ronova G. COVID-19 pandemiyasi davrida robototexnika to'garaklarini virtual didaktik vositalar yordamida tashkil etish samaradorligi.....	48
Ғозиев Т. Маънавий-турмуш доирасидаги турли зўравонлик ва у билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг турлари, келиб чиқиш сабаблари, илмий таҳлили ҳамда уларнинг олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	52
G'ofurova S. Strategies to increase critical thinking skills in english language teaching.....	56
Daminova G. Zamonaviy ta'lim muhitida integrallashgan kimyo darslarini tashkil qilish.....	59
Dekhkanova N. The use of innovative technologies in teaching in medical universities.....	63
Джурасева Д. Муаммоли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш модели.....	66
Илҳамова Д. Клиническая характеристика психологических расстройств у детей, больных хроническими соматическими заболеваниями.....	69
Инамова Г. Юкори синфларда инглиз тилини аудиовизуал воситалар ёрдамида тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришдаги муаммолар.....	74
Карамян М. Психологическое благополучие как фактор ценностного отношения личности к здоровью.....	77
Қўнғиров И. Ижтимоий шериклик моделининг такомиллашуви жараёнида фуқароларнинг сиёсий маданияти.....	81
Qurbanov A. Bo'lajak muhandis-elektriklarning kasbiy sifatlariga qo'yiladigan zamonaviy talablar.....	84
Махитов М. Шахс шаклланиши жараёнида ижтимоий муҳитнинг аҳамияти.....	88
Маматов З. Ижтимоий-сиёсий қарашлар тарихида фуқаролик жамияти ғоясининг тараккиёти.....	92
Мамаюсупова И. Ўспиринлар ўртасидаги ўзаро муносабатларидаги низоларларининг экспериментал жиҳатдан ўрганилиши.....	95
Mahkamova L. Insult kasalligi bilan xastalangan bemorlarda afaziyalarning namoyon bo'lish xususiyatlari.....	99
Мираширова Н. Талаба-психологлар касбий камолотида ижтимоий-психологик портретининг аҳамияти.....	103
Mirgiyazova M. Common problems caused by testing and assessment in learning legal english and test modification process (in an example of tsul).....	107
Мустафасева Н. Инглиз тилида ёзма нутқ компетенциясини ривожлантиришдаги қийинчиликларни бартараф этишда мультисенсорли ёндашуви хики методи.....	111
Nuraliyeva N. Boshlang'ich ta'lim o'qituvchilarni malaka oshirish jarayonida kasbiy-ijodiy faoliyatini rivojlantirish.....	114
Отамуродов Ф. Таълим соҳасида педагог кадрларни малакасини оширишда хориж тажрибасининг назарий ва илмий асослари.....	117
Radjabova A. Gender fenomeniga sharq va g'arb falsafasidagi munosabat.....	121
Rahmanov E. Yunon-rim kurashida kombinatsion hujum harakatlarini takomillashtirish yo'llari.....	124
Рябова М. Разработка методики диагностики семейной истории и семейных традиций.....	129
Сенцова З. Концепция устойчивого развития общества – признание общих интересов человечества.....	133
Туйчиева М. “Адабиёт” дарсликларидagi ўқув материаллари таҳлили.....	136
Туниянц А. Возрастная динамика переживания счастья в семье (гендерный аспект).....	140
То'ғахон Ф. Fizika o'qitishda kompyuter texnologiyalaridan foydalanishning didaktik asoslari.....	144
Тургуннова Г., Гаффорова М., Закирова Э. Фокус-группы как метод изучения представлений студентов о семье.....	147
Туркменова М. Талабалар толиқишини олдини олиш.....	151
Urinov B. Oliy ta'limda ta'lim sifati.....	154
Файзишева О. Техника тройного прыжка с разбега и методы его обучения студентам.....	157
Хайдарова А. Виртуал фуқаролик жамияти концепциясининг фалсафий меъзонлари.....	161
Хасанова Н. Қандли диабетда шахснинг касалликка ва даволанишга муносабатининг хусусиятлари.....	165
Хафизова У. Философские основы языка религии.....	170
Холназарова Д. Талабаларда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар.....	173
Cho'liyev A. Voleybol – inson salomatligining omili sifatida.....	177
Shirinqulova Sh. Tibbiy yo'nalishdagi ta'lim muassasalarida tibbiy informatika metodikasi.....	181
Эмброва Е. Метод экстраполяции в смене парадигм научного познания.....	184

Филология

Абдувахабова Д. Экспрессивлик ва эмотивлик категорияларини коммуникатив-прагматик хусусиятлари.....	188
Abdujabborova X. Alisher Navoiy asarlarida "faylasuf" termini ma'nosini bildiruvchi so'zlar talqiniga doir.....	191
Абдуллаев А. Жой номларида миллий-маданий белгиларнинг акс этиши (тошкент вилояти топонимлари мисолида).....	194
Abdullayeva K. Comparative analysis of english and uzbek folklore genres.....	198

Абдухамидова Д. Значение 家-из-«дом» в системе имен родства в японском языке.....	201
Азимов И. Иброхим тохирийнинг тил ва имло масаласига муносабати.....	205
Ахмедова О. “Ё рамазон” қўшиқларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиш ва талқини масалалари.....	209
Ваходирова Ш. Psixolingvistik yondashuvga doir tadqiqotlar tarixi va tavsifi.....	212
Бобокалонов П. Француз ва ўзбек тилида каноник модели гап, каноник модели гапларнинг прагматик хусусиятлари, гап таркибидаги унсурларнинг объектив ва субстанционал қиймати.....	216
Давронова Ш. Адабиётда контраст тасвирлаш усули (исажон султоннинг “олисдаги урушнинг акс-садоси” ҳикояси мисолида).....	218
Дўстмаматова Н. Форма сравнительной степени прилагательных.....	221
Зоирова А. Феминистик тадқиқотларда гинеокритик ёндашув.....	225
Избасва Н., Гафурова У. Некоторые размышления о термине «школы в науке».....	228
Икромхонова Ф. Типологик таҳлиллар (тарихий асарлар мисолида).....	231
Ишанжанова М. Француз ва ўзбек матнларида макон дейксисининг стилистик таҳлили.....	234
Matkarimova A. Linguopragmatic and linguoculturological features of language means expressing the semantic field of "respect".....	238
Мирханова Г. Синоним сўзлар ўқув лугатининг мегақурилиши.....	241
Mirsharipova Sh. Tarixiy romanlarda temuriy malikalar obrazi talqini.....	244
Муллаева С. Мултимедиявийликнинг анъанавий матбуот материалларига таъсири.....	248
Расулова Г. Айрис мёрдокнинг «қўнғирок (the bell)» романида композиция қурилиши.....	252
Рахимов З. Бадииятда изтироблар талқини.....	256
Хурсанов Н. Драматик асарлардаги вербал компонентларнинг социопрагматик хусусиятлари.....	259
Шодиева Ш. Концептнинг лисоний воқеланиши.....	262
Eshniyazova A. Zamonaviy qissa poetikasida ramz va metafora.....	265



Гулбаҳор РАСУЛОВА,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институт
Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси
E-mail: feruzaiqr@mail.ru

УДК: 82-94.001.36

ТТЕСИ доценти, ф.ф.д. Ф.Икромхонова тақризи асосида

АЙРИС МЁРДОКНИНГ «ҚЎНҒИРОҚ (THE BELL)» РОМАНИДА КОМПОЗИЦИЯ ҚУРИЛИШИ

Аннотация

Мақолада XX аср инглиз насрининг етук вакиласи Айрис Мёрдокнинг «Қўнғироқ (The Bell)» романидаги композиция қурилиши ҳақида фикр юритилади. Воқеалар полифония усулида баён қилинган бўлиб, романда нуктаи назар композицияси етакчилигини англатади. Шунингдек, ёзувчи услуби, хусусан, романда модернистик, реалистик ва постмодернистик унсурларнинг аралаш қўлланиши ҳақидаги фикрлар илғари сурилган. Роман композициясида муаллиф учта бадиий маконни ўзаро таққослаши натижасида XX аср ўрталаридаги инглиз жамиятида содир бўлган маънавий ва ахлоқий эврилишларни очик баён этган.

Калит сўзлар: роман, композиция, модернизм, постмодернизм, реализм, образ, ирония, символ, нутқ, полифоник роман, Айрис Мёрдок.

THE CONSTRUCTION OF THE COMPOSITION IN THE NOVEL "THE BELL" BY IRIS MURDOCK

Abstract

The article discusses the construction of the composition in the novel "The Bell" by Iris Murdock, a mature representative of twentieth-century English prose. The events are narrated in a polyphonic way, signifying the leadership of the composition of perspectives in the novel. The writer's style, in particular the idea of a mixed use of modernist, realistic and postmodernist elements in the novel, is also put forward. In the composition of the novel, the author clearly describes the spiritual and moral changes that took place in English society in the middle of the twentieth century as a result of comparing the three artistic spaces.

Key words: novel, composition, modernism, postmodernism, realism, image, irony, characters, speech, polyphonic novel, Iris Murdock.

ПОСТРОЕНИЕ КОМПОЗИЦИИ В РОМАНЕ ВАЙРИС МЁРДОК "КОЛОКОЛ (THE BELL)"

Аннотация

В статье рассматривается построение композиции в романе зрелой представительницы английской прозы XX века Айрис Мёрдок «Колокол» (The Bell). События рассказываются полифонически, что свидетельствует о лидерстве композиции перспектив в романе. Выдвигается писательский стиль, в частности идея смешанного использования модернистских, реалистических и постмодернистских элементов в романе. В композиции романа автор четко описывает духовно-нравственные изменения, произошедшие в английском обществе в середине XX века в результате сопоставления трех художественных пространств.

Ключевые слова: роман, композиция, модернизм, постмодернизм, реализм, образ, ирония, персонажи, речь, полифонический роман, Айрис Мёрдок.

Кириш. Айрис Мёрдокнинг «Қўнғироқ» романида XX аср инглиз жамиятининг маънавий қиёфаси акс эттирилган. Романда ўтган аср ўрталарига келиб одамлар онгида миллий-диний кадриятларга эътибор пасайиши оқибатида юз берган воқеалар устида фикр юритилади. Қизиги, ёзувчи мазкур романида реализм методи ёнига модернизм, мифопоэтика, постмодернизм унсурларини мохирлик билан сингдириб юборган [1]. Бу эса романнинг композицион услубидаги ўзига хос тузилишини таъминлаган.

Воқеалар асосида аёллар монастри бошқарувчиси бўлган аёлнинг Имбир Корт қасри эгаси Майкл Мидга аждодларидан мерос қолган қасрдан самарали фойдаланиш учун берган таклифига қурилган. Таклиф эса монастирга келувчи аёллар учун тайёргарлик вазифини ўтовчи жой ҳамда яқин атрофдаги қишлоқларда яшовчи одамларга диний маросимлар ўтказувчи ўзига хос жамоа ташкил этиш ҳақида эди. Бу билан бир томондан Имбир аёллар ибодатхонаси раҳбари жамиятда ўз диний эътиқоди билан боғлиқ одатларни тиклашни ва шу йўл орқали ўзини бир умрга монарх бўлишга бағишланган киз-жувонларнинг сонини кўпайтиришни ният қилган

бўлади. Бошқа томондан эса ёзувчи одамларни алоҳида янги жамоада яшашлари устида бадиий тажриба ҳам ўтказди. Шу йўл билан ҳар қандай диний ёки мафкуравий қарашларига кўра ўзаро яқин одамлар жамияти етук бўлмаслигини исботлашга уринади. Бунинг учун у, аввало, реал инглиз жамияти ва ундаги ахлоқсизлик (Дора), атеистик қараш (Ноел), майхўрлик каби иллатга эга кишиларни роман марказига чиқаради. Бошқа томондан эса Имбир Корт жамоасига жамиятга турли тоифадаги одамларни жалб этади. Аслида жамоа аъзолари у қадар кўп эмас. Нарига борса ўнгадан сал отади. Энг фаоллари тўққиз нафарни ташкил этади. Шу одамлар мисолида ҳам янги жамият ташкил этиш, улар ўртасида ижтимоий вазифаларнинг тақсимланиши (Майкл молиявий бошқарувга масъул, ерга ишлов беришга яна бошқаси, Жеймс асосий иш юритувчи, Урсула диний маросимларга амал қилишга жавобгар ва ҳоказо...), ўзаро тенглик, яшаб қолиш, ўзлик англаш каби муаммолар устида фикр юритади.

Шунингдек, романда учинчи бир жамоа ҳам бор-ки, улар сюжетда деярли кўринмайди. Аммо жамоа ташкил этишга таклиф берган монастир раҳбари ва унинг

вакили, кенг маънода бутун монастыр, диний жамоа номидан сўзловчи Урсула хонимдан бошқалар воқеаларда фаол иштирок этишмайди. Тўғри, бир ўринда уч-тўртта диний либосдаги аёл Кэттини сувдан қутқариш жараёнида тушда намоён бўлади. Романда баланд дөвор билан ўралган ўрта асрлар сирли ва ғажалар ҳаётини ёдга солувчи ибодатхона ортидаги ҳаёт Лондонда, Дора ва унинг Ноел, Салли каби яқинлари яшаган реал жамият билан ўзаро солиштирилади. Ана шу икки жамоа ўртасидаги Имбир Корт жамоаси мисолида эса янги жамият ташкил этишга уриниш ва бундаги ўзига хос ижтимоий муаммолар, масалан, ерни ўз қучимиз билан чоғиб, техника ишлатмасдан, минерал ўғит солмасдан ҳосил оламиз, деган таклифни илгари суриш, ҳосилни тегишли жойларга ўзлари юклаб жўнатиши, ҳосил сотувидан тушган маблағни жамоа эҳтиёжи учун адолатли тақсимлаш, жамоага одам жалб этиш ва бунга қандай нуктаи назардан ёндашиш каби қатор масалаларнинг бадий тасвири берилган. Натижада романда диний-догматик тушунчалар, реал олам ва атеистик қарашлар гоҳ ошқор, гоҳ рамзийликкасб этиб, баён композициясида ривоят, асотир ва асосан уч нафар персонажнинг оламга муносабати бадий ифодаси ҳам баён қилинган. Натижада роман услуби биз кўниккан реализмдан бошқачароқ тус олади. Бу гоҳ мифопоэтик, гоҳ модернистик унсурлар аралашуви, гоҳ эса соф психологик реализм, символизмга хос хусусиятларни камраб олади. Яна ҳам қизиги, воқалар баёнида учта одам нуктаи назари ётақчилик қилади. Бу эса романдаги полифоник хусусиятни ҳам ўрганишни талаб этади.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Биз реализм, романтизм, модернизм йўналишида битилган романларда ёзувчиларнинг жамиятдаги ўзгаришлар, кишилар маънавий оламидаги эврилишларни ёклаши ёки инкор этиши, жамият ўзак ақидаларини бутунлай рад этишини биламиз. Полифоник романлар орқали жамиятдаги маънавий «устунлар ичдан емирилиши, чиришишга оид бадий-фалсафий мушоҳада юритиш инглиз насрида ўтган асрнинг ўрталарида янада кучайди. Бу, айниқса, модернизм тугаб бораётган ва унинг ўрнига постмодернизм шаклланаётган бир даврга тўғри келадики, айнан ана шу жиҳат Айрис Мёрдок ижодий услубини белгилашда мураккабликни келтириб чиқаради. Чунки модернизм ёки постмодернизм фалсафасида полифонияга ўрин қолмагандек туюлади. Аммо «ҳаётга ақл кўзи билан қаровчилар ва ундаги баҳслар амалиёти ҳамда фикрларидаги ҳақиқатнинг алмашилиш полифониядир»[2] деган мулоҳаза ишонсак, модернистик ва постмодернистик романларда ҳам полифониянинг у ёки бу кўринишини топиш мумкин. Айниқса, композиция полифонияси, ровий баёнидаги кўповозилик Айрис Мёрдокнинг «Кўнғирок» (The Bell) романида яққол кўза ташланади. Унда воқеалар Имбир Корт қасри ва ундаги жамоа аъзоларидан Дора Гринфилд, Майкл Мид, Тоби Гэш нуктаи назари билан, ҳар бирининг маънавий қиёфалари, турмуш тарзи ва ҳаёти очиб берилган. Бу ерда Имбир Корт гарчи кўхна монастыр яқинида жойлашган ва жамоа аъзолари ҳудудий бўлишса-да, жамоаларининг барчаси ҳам ахлоқан етук, эътиқоди мустаҳкам эмаслиги кўринади. Баёнда Дора, Майклнинг романда кечаётган вақтгача ўтган умрига оид баъзи воқеа-ҳодисалар ҳам тилга олинади. Лекин муҳими Дора аёл сифатида унинг жаҳлини чиқаришлари ёки унинг қалбига йўл топишларини исташи, ўз ҳаётини тўғри йўлга солиш учун курашиши кераклиги ҳақидаги фикрларнинг келтирилиши бўлади.

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Роман бошида Дора ўғай ота қўлида ўсгани, онаси билан чиқиша олмаслиги ҳамда санъат олий

мактабининг икки курсини ўқиб, ўз устози Пол Гринфилдга турмушга чиқиб, шоҳона ҳаётни орзу қилган ва унга эришган, аммо бундан кўнгли тўлмай бошқа жазман орттирган ахлоқсиз аёл сифатида берилади. У гоҳ худоонглигини очик баён қилаётган Ноел, гоҳ Майкл билан яшайди. Лекин у ўз ҳаёти, истақларини мулоҳаза қилиб кўрадиган, хатоларини тушунадиган ва улардан тўғри хулоса чиқаришга уринадиган аёл сифатида ёдга қолади. Лекин жамоадаги бошқа кишилар, масалан, қаср эгаси, жамоа раҳбари Майкл Мид, Тоби Гэш, Ник Фолиннинг синглиси бир қаралганда яхшидек кўринса-да, улар ҳам маънан айниган кишилар эканлиги очиб берилади. Натижада XX аср Англияда миллий кадриятлар, диний урф-одатларга қаттиқ амал қилувчи, ўз меҳнатлари билан деҳқончилик қилиб, доимо ибодатда бўлувчи кишилар ёки Дора, Ноел, Салли каби қувноқ ҳаётни, маишатни хуш кўрувчилар ҳам борлиги кўрсатилган. Бу билан ёзувчи XX аср инглиз жамиятидаги маънавий қашшоқлик, ахлоқсизлик, тубанликлар устида баҳс юритади. Жамоада мўътабар, азиз деган тушунчалар қолмаганини, борлари ҳам аслида Майкл кабиларнинг икки юзламачилиги маҳсули эканлигини таъкидлайди.

Қизиги, ёзувчи воқеаларни Доранинг жамоага, аниқроғи шу ердаги эски манбалар устида тадқиқот олиб бораётган эри – Пол Гринфилднинг олдига келиши билан бошланади. Бунга уни мажбур қилган Пол ҳамда Доранинг ўзи оиласида ўрнини топишга уриниши ортидан аёл ички дунёсидаги монологик нутқларида унинг психологиясини, ўй-фикрларини аниқ ифодалайди.

“Dora Greenfield left her husband because she was afraid of him. She decided six months later to return to him for the same reason. The absent Paul, haunting her with letters and telephone bells and imagined footsteps on the stairs

had begun to be the greater torment. Dora suffered from guilt, and with guilt came fear. She decided at last that the persecution of his presence was to be preferred to the persecution of his absence”[1]. (Дор Гринфилд эридан қўрққани учун уни ташлаб кетди. Орадан олти ой ўтгач, худди шу сабаб билан унинг олдига қайтишга қарор қилди. Полдан айрилиш ортидан эрининг хат, телефон кўнғироклари билан уни таъқиб қилиши натижасида Дорада зинадан эрининг қадам товуши келаётгандек ваҳимага тушиши кучайди. Демак, Полдан айрилиш янада катта азобга айланди. Ниҳоят, майли ўзининг мажбурлиги билан жонга тегаверсин, деган қарорга келди).

Парчадаги асосий нукта назар Дора тегишли бўлиб, у Доранинг бахтсиз ҳаёти ва Имбир Кортга ташрифини изоҳлайди. Ёзувчи воқеани дастлаб Дора нуктаи назари асосида баён қилиб, экспозицияни қўридаги каби бадий шакллантирар экан, шу ердаёқ воқеалар марказида Дора ва унинг эри ўртасидаги илк конфликт кўзга ташланади. Лекин кейин у поездга Жеймс ва Тоби билан танишади. Тўртинчи бобдан бошлаб эса воқеалар Майкл Мид нуктаи назаридан баён қилинади. Натижада роман композициясида полифониклик хусусияти намоён бўлади.

Қизиги, роман бошида Дора психологиясидаги иккиланиш йўқолиб, роман охирида унинг нисбатан қатъий иродаси намоён бўлганини қуйидаги портретда кўринади:

Dora replied that she was not coming to London. She would see him at some later time. For the present she wanted to be left alone. She felt a nostalgia for the ease of his company; but she no longer had the feverish urge to escape into his world. She attempted to turn her thoughts away from Paul, away from Noel, away even from Michael. It was not easy. She packed her things and collected together the paintings she had made in the last few weeks. She went to bed

exhausted. She imagined, as she imagined every night, Paul sitting alone in his beautiful

Knightsbridge room, beside the white telephone, wanting her back. But her last remembrance was that on the morrow Michael would be leaving her, and when they met again he would perhaps be married to Catherine. She wept herself to sleep, but they were quiet and comforting tears[1]. (Дора Лондонга бормайман, дея жавоб қилди. Кейинроқ вақт топиб Нозлни кўриб келади. Энди у ёлғиз қолишни истамоқда. Тўғри, шу ҳолда Нозл билан ўтказган кунларини соғинади, аммо унинг кичик оламида беркинлиб яшашни истамайди. У хаёлларидан Полни, Нозлни, Майклни қувиб ташламоқчи бўлди. Аммо бу қийин иш эди. У нарсаларини жамоданга таҳлади, охириги бир неча ҳафтада акварелда чизган бир нечта расмларини тўплади. Сўнгра ҳолсиз кўрпага чўзилди. Полни ҳар кун тунда кўргандек тасаввур қилди: Найтсбриждаги ҳашаматли квартирасида бир ўзи оқ телефон ёнида унинг қайтишини кутиб ўтирибди. Бироқ, унинг хаёлига Майкнинг эрта тонгда жўнаб кетиши ҳақидаги хабар келди. У кетди ва улар қачон учрашишади. Чамаси у Кэтринга уйланади. Унинг кўзларига ёш тўлганча ухлаб қолди. Аммо бу сокин, тинчлантирувчи кўзлар эди.)

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Дора роман бошида ахлоқсиз, иккиланувчи, Полдан кўрқадиган аёл сифатида тасвирланган бўлса, бу ерда у Майклни топганидан хурсанд, Лекин у энди Майкнинг Кэтрин билан турмуш қуришини ҳам билади. Энди у ўз хаётий мақсадини англай бошлаган, хатоларидан тўғри хулоса чиқара олган эди. Шунинг учун энди кадрдон дугонаси Салпиннинг ёнига қайтади.

Маълумки, роман поэтикасида кўповозиликнинг алоҳида аҳамияти мавжуд. Зеро полифония деганда бадий асар, хусусан, романдаги воқеалар баёни турли персонажлар томонидан ҳикоя қилиниши тушунилади. «Полифоник роман – субъектив структураси тескари ўсиш тамойили бўйича ташкилланган роман бўлиб, унда бошқа идрок билан диалогик алоқада бўлади... Бу тип романларнинг белгилари 1) тўла қонли дунёқараш ва салмоқли баҳолаш мезонларига кўплаб тенг ҳуқуқли (ровий ёки ҳикоячини алмаштириш имкониятига эга) қаҳрамон бўлиб, бу асардаги барча қаҳрамон ва ходисаларни ана шу асардаги қатнашувчилар ички томонидан кўриш ва баҳолаш имконини беради; 2) «қаҳрамонлар дунёқараш ва идрокининг (бутун оламлари ва)мазмунини билан мутаносиблиги, бошқача айтганда «катта суҳбат» бирлиги ёки сюжетдан ташқари характерга эга ҳақиқатни биргаликда излаш ходисаси;...3) юз берадиган ходисалар устидан назорат қилувчи ягона дунёқараш доирасининг йўқлиги;... персонажлар ва муаллиф дунёқараш ўртасида қатъий чегара бўлмас»лигида кўринади[4]. Яъни полифоник романда ҳар бир қаҳрамон ҳар бир воқеа-ходиса ёки бошқа персонажга бўлган муносабатини ўз ички олами ифодасида беради. Натижада романдаги бир нечта персонаж барчаси асарда тенг мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга бўлади. Яъни оддий романларда етакчи ва иккинчи даражали персонажлар бўлса, полифоник романда етакчи персонажлар бир нечта бўлади ва уларнинг позицияси устидан муаллифнинг қатъий назорати бўлмайди. Яъни ҳар бири ўз дунёқараш, тажрибаси ва асардаги вазифасидан келиб чиқиб, воқеани ёритади. Масалан, Айрис Мёрдокнинг иккинчи йирик асари бўлган «Кўнғирок» (The Bell) романида сюжет дастлаб Дора Гринфилд, сўнгра Тоби исмли ўсмир ва Майкли нуктаи назаридан баён қилинади. Натижада уларнинг ички ва ташқи олами батафсил ёритилади. Лекин роман сўнггида Майкл ва Дора Имбир Кортда анча вақт ёлғиз яшашади. Тоби эса Оксфордга ўқишга кириш учун жўнаб кетади.

Барча воқеалар ва уларнинг Дора тушунчаси бўйича диний кадриятлар, инглиз диний- маданий урф-одатларига қатъий амал қиладиган ўзларини ҳалол ва эътиқодли деб кўрсатувчи одамларнинг маънавий қиёфаси, ахлоқсизлиги, икки юзламачилиги оқиб берилади. Жамоадагилар ва, хаттоки, эри Пол Гринфилд ҳам Дорани енгилтақ аёл деб ўйлайди ва унинг қилиқларига кўп ҳам эътибор қилмайди. Аёл билан ҳоли қолганда эса улар ўртасидаги ёшдаги катта фарқ, Полнинг ўз келиб чиқиши Германиялик сармоядорларга бориб тақалиши ва эркак буни яшириши, хотиннинг қилиқлари – хиёнат-ю спиртли ичимликка муқкасидан кетинига индамаелиги Полнинг гарчи банк эгаси, таниқли санъатшунос, меҳнаткаш одам бўлса-да характерида нуқсонлари кўплигини кўрсатади. Шу ерда муаллиф ўз асарида экзистенциализмдан кўра, кўпроқ постмодернизмнинг жамиятга ироник муносабатида бўлгани кўринади. Бу эса Айрис Мёрдокнинг ўтган аср ўрталарида инглиз жамиятида чуқур илдиз отган «хурматга лойиқ одам қолмаган», «эътиқод никоби» деган тушқунлик қайфиятини ифодаловчи қарашлари бадий ифодаси кўринади.

Агар монофоник романда жамиятдаги бирор ходиса ёки воқеа муаллиф ёки бирор гуруҳ нуктаи назаридан ёритилса, ёзувчи шахсий позицияси аниқ кўринса, полифоник романда, шартли равишда, нисбий маънода, ёзувчи барча воқеани рўй-рост очиб ташловчи, бетараф ёки ҳолис турувчи одам вазифасида бўлади. Буни Айрис Мёрдок воқеалар баёни марказига турли қаҳрамонларни олиб чиқиши ва ўқувчини асар персонажларининг ички олами, уларни алоҳида шахс сифатида борлиққа муносабатини ифодалаш билан амалга оширади. Айниқса, сарказм, ироник муносабат Ник образи яққол кўринади. Масалан, Тобини унга шерик сифатида қаср қоровул биносига яшашга олиб келган Майкл билан суҳбатдаги бир жумлани келтириш ўринли бўлади:

'Toby doesn't know,' said Nick. 'Has the erring wife arrived?' – Тоби билмайди, – деди Ник, – Дайди хотин қайтдимми[1] ?

Аччиқ алам ва кесатик билан айтилган ушбу гапнинг остида диний манбалардаги, хусусан христиан китобларида ота уйини ташлаб дунёдан бахт излаб кетган ўғил ва орадан маълум вақт ўтиб, ҳеч гарсага эришолмасдан ота уйига қайтган дайди ўғил ривоятига ишора бор. Фақат бу ерда Дора назарда тутилган.

Шу ерда Ник Фолининг борлиққа ироник муносабат кўринади. Гарчи бу суҳбат романининг тўртинчи бобида бўлса-да, Ник Фолининг роман умумий структурасидаги асосий ўрни ҳали аниқланмаган, лекин дастлабки суҳбатдаёқ, у ўз шахсий мулоҳазаси, характерида эга одам сифатида кўринади. «Бундай вазиятда, яъни қиёсий таҳлилни асосий тамойил ва тушунчалар тизими ҳали белгиланмаган чоқда, одатда, бу фикрлар анча субъектив бўлиб, қўлланилаётган тушунчалар метафорик тасаввур уйғотади... Бироқ полифония атамасининг келиб чиқиши, мусикашуносликдаги шунга ўхшаш тушунчага тўла мувофиқ келган ҳолда, асар структурасидаги ўзига хосликни тушунишга ҳалакит бермайди» [5]. Янада аниқроқ айтганда диний жамоадаги муҳит у киши томонидан баён этилиб, бунга ҳар бирининг ўз муносабати, шахсий қарашлари ҳам киритилиб, бадий-эстетик жихатдан кўповозли жамият қиёфасини олади. Ник ҳамма юзаки эҳтиром билан қарши оладиган Доранинг ҳақиқий баҳосини беради. Иссик уйи, эри, пули, ишлаш учун қизикқан соҳаси бўлган аёл учун яна нима кераклигини билмасдан дайдиб кетган аёлнинг қайтишига ироник муносабат билдирилган. Натижада Айрис Мёрдок

хар бир персонаж зиммасига биринчи галда ўзаро тенг овозга эга, ўз ғоясини ташувчилар деган тушунчани сингдиради. Зеро, «Нуктаи назар» жихатдан тенг бўлган турли «овозлар» турпли субъектларининг нутк воситаларига кириб, ва ниҳоят, контекстадаги интерматнлиликни таъминлайди» [3,11].

- **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Хуллас, Айрис Мёрдокнинг мазкур романи композициясида уч нуктаи назар етакчилиги ҳамда воқеликни ифода қилишда ёзувчи турли ғоявий

йўналишлар унсурларидан аралаш фойдаланини кузатиш мумкин. Романдаги воқеалар ривожидан Доранинг характери катъийлашиб боргани кузатиш мумкин. Бунда ёзувчи портрет, монологик нутқи вадиялоглардан фойдаланиб Дора характери динамикаси ҳам борган. Натижада романи XX аср инглиз жамияти ва маданиятидаги моддий-маънавий эврилишлари ҳақида бадий-фалсафий, бадий-психологик роман дейишга асос бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Iris Murdoch. The Bell. Vintage classics. 1958. - 137 page. <https://caliber-ebook.com>.
2. Воробьева С.В. Перельман (Perelman) Хаим (1912—1984). / Постмодернизм. Энциклопедия.— Мн.: Интерпрессервис; Книжный Дом. 2001.— С.559-565.
3. Головкина Алла Сергеевна. Полифония слова в художественном тексте (на материале произведения Дж. Джойса «Дублинцы»). Автореферат диссертации ... канд. филолог. наук. — Самара, 2011. — 24 www.dissert.com.
4. Поэтика: слов, актуал. терминов и понятий / [гл. науч. ред. Н.Д. Тмарченко]. — М.: Издательство Кулагиной; Intrada, 2008. — 358 с.
5. Теория литературы. В 2 томах. Том 1. Под. редак. Н.Д.Тмарченко. — Москва: Академия, 2004. — 512 с.